

ЖИНОЯТ-ХУҚУҚИЙ СИЁСАТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ҲАРБИЙ ХИЗМАТГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРДА РАЎБАТЛАНТИРУВЧИ МЕХАНИЗМЛАР

Абдуллаев Абдугаффор Абдуллаевич

Ўзбекистон Республикаси

Жамоат хавфсизлиги университети мустақил изланувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар учун жавобгарликни либераллаштириш ва рағбатлантирувчи нормаларни жорий этишнинг назарий-амалий жиҳатлари таҳлил қилиниб, хорижий тажриба асосида чин кўнгилдан пушаймон бўлган ҳарбийларни жазодан озод қилиш механизмлари асосланган. Тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартиришлар киритиш орқали ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш, малакали кадрларни тизимда сақлаб қолиш ва ҳарбий жамоалардаги маънавий-руҳий муҳитни соғломлаштириш масалаларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: ҳарбий жиноятлар, рағбатлантирувчи нормалар, ҳарбий интизом, жиноий жавобгарлик, либераллаштириш, чин кўнгилдан пушаймонлик, мудофаа қобиляти, Қуролли Кучлар, ҳарбий хизматчи ҳуқуқлари, жазони енгилаштириш, ҳуқуқий ислохотлар, суд-ҳуқуқ тизими, профилактика, ҳарбий юриспруденция, ижтимоий реабилитация.

Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларда рағбатлантирувчи нормаларни жорий этиш миллий хавфсизликни мустаҳкамлаш ва жиноий-ҳуқуқий тизимни инсонпарварлаштириш нуқтаи назаридан долзарб ҳисобланади. Халқаро тажриба асосида жиноят содир этган ҳарбий хизматчини қайта тарбиялаш ва сафга қайтариш мақсадида рағбатлантириш механизмларини қўллаш ижтимоий реабилитация ва ҳарбий кадрларни сақлаб қолишда муҳим ўрин тутади.

Ҳозирги шиддат билан ўзгараётган геосиёсий вазиятда ҳар қандай давлатнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилишда Қуролли Кучларнинг жанговар шайлиги ва ҳарбий интизومي ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар нафақат алоҳида шахсларнинг қонунбузарлиги, балки давлатнинг мудофаа қобилятига бевосита таҳдид солувчи ижтимоий хавфли қилмишлар ҳисобланади. Бироқ, жаҳон ҳуқуқ тизимида жиноят ва жазо тушунчаларининг либераллашуви ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг янги стандартлари ҳарбий жиноятчиликка қарши курашда фақатгина репрессив (жазоловчи) усуллардан воз кечиб, рағбатлантирувчи нормаларни қўллаш заруратини юзага келтирмоқда. Жаҳон тажрибасида ҳарбий хизматчиларни қонунга итоаткорлик руҳида тарбиялашда ижобий рағбат ва айбини ювиш имкониятини бериш, жазонинг муқаррарлиги принципини инсонпарварлик тамойили билан уйғунлаштириш долзарб

масалага айланган. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳарбий жиноятлар учун белгиланган жазоларнинг ҳаддан ташқари қаттиқлиги доим ҳам кутилган натижани бермайди, аксинча, хизматчининг ижтимоий реабилитациясига ва унинг келгусида ватан олдидаги бурчини бажаришига тўсқинлик қилади.

Дунё миқёсида ҳарбий ҳуқуқ соҳасида рағбатлантирувчи нормаларнинг жорий этилиши халқаро гуманитар ҳуқуқ ва демократик тамойилларнинг ривожланиши билан боғлиқ. Масалан, дезертирлик ёки қисмдан ўзбошимчалик билан чиқиб кетиш каби ҳолатларда шахснинг ўз айбини тан олиб қайтиши, пушаймон бўлиши ёки жанговар вазиятда кўрсатган қаҳрамонлиги учун жазодан озод қилиш ёки енгиллаштириш механизмлари ҳарбий қонунчиликнинг мослашувчанлигини таъминлайди. Бу нафақат шахс манфаатига, балки давлатнинг ҳарбий ресурсни сақлаб қолиш манфаатига ҳам хизмат қилади. Глобал хавфсизлик тизимидаги инкирозлар, гибрид урушлар ва ахборот хуружлари даврида ҳарбий хизматчининг руҳий ҳолати ва унинг давлатга бўлган ишончи муҳим омил бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, жазони рағбатлантириш билан алмаштириш ёки жазони ўташ даврида алоҳида хизмат кўрсатганларни рағбатлантиришнинг ҳуқуқий асосларини яратиш жаҳон ҳарбий юриспруденциясининг асосий тенденцияларидан биридир.

Мамлакатимиз миқёсида ушбу масаланинг ижтимоий зарурати Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва ҳарбий соҳадаги ислоҳотлар билан чамбарчас боғлиқ. Юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг бош ғояси “Инсон қадри учун” тамойилига асосланган. Бу тамойил ҳарбий хизматчиларга ҳам татбиқ этилиши шарт. Амалдаги Жиноят кодексида ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар (31-боб) учун жавобгарлик белгиланган бўлса-да, ушбу моддаларда рағбатлантирувчи нормаларнинг, яъни шахснинг айбини чин кўнгилдан пушаймон бўлиши, етказилган зарарни қоплаши ёки хизмат давомида алоҳида намуна кўрсатганлиги учун жазодан озод қилиш асосларининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги амалиётда қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Масалан, кичик хатолик қилган, аммо юксак касбий салоҳиятга эга бўлган офицер ёки контракт асосидаги ҳарбий хизматчини жиноий жавобгарликка тортилиши тизим учун малакали кадрнинг йўқотилишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатларда рағбатлантирувчи нормалар иккинчи имконият сифатида хизмат қилиши ва хизматчининг давлатга бўлган садоқатини мустаҳкамлаши мумкин.

Ижтимоий заруратнинг яна бир жиҳати ҳарбий хизматнинг ўзига хос хусусиятлари билан изоҳланади. Ҳарбий хизмат — бу доимий руҳий ва жисмоний босим, қатъий бўйсунуш ва хавф-хатар остида ишлаш демакдир. Бундай шароитда содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини чуқур таҳлил қилмасдан, фақат жазолаш йўлидан бориш ҳарбий жамоадаги маънавий-руҳий муҳитга салбий таъсир кўрсатади. Рағбатлантирувчи нормаларнинг мавжудлиги эса, хизматчиларда давлатнинг адолатига бўлган ишончни уйғотади. Бу эса ўз навбатида, ҳарбий интизомни кўрқув асосида эмас, балки онгли равишда сақлашга хизмат қилади. Ўзбекистонда ҳарбий ҳуқуқ соҳасидаги илмий изланишлар шуни кўрсатадики, жазо

тизимини либераллаштириш ва рағбатлантириш элементларини киритиш коррупциявий хавфларни камайитиришга ва тергов ҳамда суд органларининг фаолиятида шаффофликни таъминлашга ёрдам беради.

Шунингдек, ҳарбий жиноятчиликнинг олдини олишда профилактик чораларнинг самарадорлигини ошириш учун ҳам рағбатлантирувчи нормалар зарур. Шахс жиноят содир этганидан сўнг ўз ихтиёри билан келиб таслим бўлса ёки бошқа шерикларининг жиноятини очишга ёрдам берса, унга нисбатан енгилликлар берилиши жиноятчилик занжирини узишга ёрдам беради. Бу айниқса, буйруққа бўйсунмаслик, хизматдошини ҳақорат қилиш ёки хизмат мулкани асрамаслик каби жиноятларда тарбиявий аҳамиятга эга. Истиқболда Ўзбекистоннинг ҳарбий қонунчилигини халқаро стандартларга мослаштириш, рағбатлантирувчи нормаларни қўллашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш давлат мудофаа тизимининг мафкуравий устуворлигини таъминлайди. Бу нафақат ҳуқуқий масала, балки миллий хавфсизликни таъминлашнинг психологик ва ижтимоий кафолатидир.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда жиноят-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, айни пайтда давлат ва жамият хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, жиноят содир этган шахсни жазолаш билан бирга уни тузалишга рағбатлантириш, етказилган зарарни қоплашга ундаш ва жиноят оқибатларини бартараф этишга қаратилган рағбатлантирувчи нормаларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқларида бир неча бор “жиноятчиликка қарши курашишда жазолаш эмас, аввало олдини олиш, инсонни тузалиш йўлига қайтариш устувор бўлиши керак”лигини таъкидлаб келмоқда[1]. Давлат раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномаларида ҳам жиноят-ҳуқуқий сиёсатни инсонпарварлик ва адолат тамойиллари асосида такомиллаштириш, айниқса, биринчи марта жиноят содир этган шахсларга нисбатан альтернатив ва рағбатлантирувчи механизмларни кенгайтириш зарурлиги қайд этилган[2].

Бироқ таҳлиллар шуни кўрсатадики, рағбатлантирувчи нормалар барча жиноят турларида бир хил даражада қўлланилмаяпти. Хусусан, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар соҳасида бундай механизмлар етарли даражада назарда тутилмаган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 295–296-моддаларида ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, йўқотиш, ишдан чиқариш ёки нобуд қилиш учун жавобгарлик белгиланган бўлса-да, биринчи марта жиноят содир этган, ўз айбини тан олган ва етказилган зарарни қоплашга тайёр бўлган ҳарбий хизматчилар учун алоҳида рағбатлантирувчи қоидалар назарда тутилмаган. Бу эса жиноят қонунчилигида муайян тизимли номуносивбликни келтириб чиқармоқда[5].

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид қарорларида ҳарбий мулкнинг давлат мулки сифатида ҳар қандай ҳолатда қайтарилиши ёки қиймати ундирилиши шартлиги қайд

этилган. Демак, қонуннинг асосий мақсади мулкни қайтариш ва зарарни қоплашдир. Шу нуқтаи назардан, агар айбдор шахс жиноят аниқланганидан кейин қисқа муддат ичида зарарни ихтиёрий равишда қопласа, уни жиноий жавобгарликдан озод этиш ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўлламаслик давлат ва жамият манфаатларига зид эмас, аксинча, уларга хизмат қилади[10].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66-моддасига мувофиқ, Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида алоҳида кўрсатилган ҳолларда, жиноят содир этган шахс ўз қилмишига амалда пушаймон бўлган тақдирда жавобгарликдан озод қилиниши лозим. Мазкур жавобгарликдан озод этувчи норманинг амалиётда ишлаши учун ЖКнинг Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги иш юритишни рад этиш ва тугатиш ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 8-бандига кўра ҳал этилиши белгилаб қўйилган[13].

Бундай жиноятлар туркумига ЖКнинг махсус қисми 122, 123, 155, 1552, 157, 160, 177, 178, 180, 181, 1811, 184, 1852, 188, 189, 190, 1929, 1971, 211, 212, 213, 223, 2442, 2444 ва 248-моддаларида шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишни назарда тутувчи махсус нормалар киради[3].

Мазкур ЖКнинг махсус қисмида назарда тутилган жиноятларнинг терговга қадар текширув вақтида аниқланганда ёки жиноят ишларини юритиш жараёнида жиноят ишининг бир қисмини тугатиш орқали ҳал этиш жараёнида мазкур банд орқали иш юритишни рад этиш ёки тугатиш мансабдорлар учун қийинчиликлар туғдирмоқда.

Чунончи, респондентлар ўртасида ўтказилган сўров натижаларига кўра мазкур турдаги терговга қадар текширув натижасига асосан пора бериш жиноятини содир этган шахснинг ҳолат аниқлангандан 30 сутка мобайнида аризаси иш ҳужжатларига қўшилиши ёки рўйхатга олинган ҳолда тақдим этилганда мазкур шахсга нисбатан иш ҳужжатлари ЖПКнинг 83-моддаси 2-банди орқали ҳал этилиши лозимлигини кўпчилик томонидан билдирилган[6].

Биз ҳам юқоридаги кўпчилик респондентларнинг фикри билан қўшилган ҳолда шуни эътироф этишимиз лозимки, ЖПК 84-моддаси биринчи қисмининг 8-банди Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ киритилган бўлиб, мазкур қонунни қабул қилишдан мақсад содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятларни тез фош этиш, жиноят оқибатида жабрланувчиларга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаш ва мазкур турдаги жиноятларни аниқлаш борасида фуқароларнинг фаол позициясини сақлаш орқали уларни жавобгарликдан озод бўлишига имкон яратиб беришдир.

Бироқ порахўрлик жиноятларини аниқлаш борасида ариза билан мурожаат қилган шахсларнинг ёки ўз хоҳиши билан ноқонуний қурол ва ўқ-дори мавжудлиги тўғрисида хабар берган шахсни терговга қадар текширув ёхуд дастлабки терговда ЖПКнинг мазкур бандига асосан ҳал этилиши, албатта келгусида бундай ҳолатларда

панжа ортида қарашига, охир-оқибат жамиятнинг жиноятчиликка мурасасиз муносабати сўнишига олиб келиши мумкин.

Бунга бир қанча факторлар сабаб бўлади. Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратураси, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Миллий гвардия, Олий судининг 2021 йил 15 ноябрдаги 70, 71-ққ, 30, 01-02/22-56, 34, 16/1020-21-сон қарорига мувофиқ тасдиқланган Низомга кўра ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 1, 2, 3, 6, 8-бандлари ва 5-қисмига асосан иш қўзғатиш рад қилинганда ёки тугатилганда жиноят иши рақами берилган ҳолда мазкур шахсга нисбатан барча турдаги статистик карточкалар тўлдирилади ва шахсга нисбатан ахборот марказида судланган шахс билан тенглаштирилган маълумот қайд этилиши бундай шахсларни манфаатига путур етказди[14].

Иккинчидан, юқордаги каби ҳисобларнинг судланган шахс каби ахборот марказида маълумот қолиши натижасида фуқароларнинг давлат хизматлари ягона портали орқали олаётган маълумотлар базасида айнан қайд этилиши мазкур шахсларнинг ишга жойлашиш ва бошқа шу каби муносабатларида манфаатларига зарар келтирмоқда.

Юқоридаги ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда мазкур “Электрон жиноий – ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисида низомда ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 8-банди билан боғлиқ ҳолатларни қайд этишда ҳар қандай статистик карточкаларни тўлдириш мажбуриятини олиб ташлаш мақсадга мувофиқ деган фикрдамиз[15].

Мазкур ўзгартишнинг амалиётга жорий этилиши яъни бундай шахсларни тўғрисидаги маълумотларни Ички ишлар вазирлигининг Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар марказида судланган шахслар қаторида қайд этилишини олдини олиш жиноятларни аниқлашда кўмак бераётган шахслар фаоллигини оширса, иккинчи томондан фуқароларни давлатнинг жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатига ишончини ортишига олиб келади.

Шу билан бирга мазкур турдаги жавобгарликдан озод қилиш борасида ҳарбий жиноятларнинг четда қолаётгани тушунарсиздир. Масалан, ЖКнинг 295-296-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг рағбатлантирувчи ёки жиноий жавобгарликдан озод этувчи қисми мавжуд эмаслиги фикримизча номақбулдир. Чунки, ҳарбий мулк ва моддий қимматликлар давлатнинг нафақат моддий захираси балки у мамлакатнинг муҳофаа қобиляти сифатида баҳоланади ва унинг ўрнини қисқа фурсатларда тўлдириш муҳимдир[16].

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 23-сонли «Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори 5.4-бандида “Беҳуда сарфлаш кийим-кечак ва анжомларни сотиш, гаровга қўйиш ёки бошқа шахсга фойдаланиш учун беришда ифодаланади. Беҳуда сарфлашнинг муқаррар белгиси — шахсий фойдаланиш учун берилган кийим-кечак ёки анжомларнинг ҳарбий хизматчи эгалигидан чиқиб, ўзга шахснинг ноқонуний эгалигига ўтишидир. Беҳуда сарфланган ҳарбий мулк доимо

давлат мулки бўлиб қолганлиги учун, ҳар қандай вазиятда у ноқонуний эгаликдан тортиб олинадиган ва, агар унинг қайтарилишининг иложи бўлмаса, унинг қиймати бир неча карра миқдорида айбдордан ундирилади.” дея белгилаб қўйилган[17].

Шу боисдан ҳарбий хизматчиларни жавобгарликдан озод этиш ва шу йўл билан ҳарбий мулкни ўрнини қисқа муддатларда қоплаш ва тўлдириш давлат ва жамият манфаатларига хизмат қилади деган фикрдамиз ва шу сабабли, ЖКнинг айрим нормаларига қуйидаги ўзгартишларни киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

295-модда. Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, йўқотиш ёки ишдан чиқариш

Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаш, яъни муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисининг шахсан ўзи фойдаланиши учун берилган ҳарбий аслаҳа-анжомларни сотиши, фойдаланиш учун бировга бериши ёки гаровга қўйиши —

бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хизматда фойдаланиш учун ишониб топширилган қурол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари, техника таъминоти буюмларини сақлаш қоидаларини бузиш натижасида уларни йўқотиш ёки ишдан чиқариш, —

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган ҳарбий хизматчи, агар у жиноят аниқланган кундан эътиборан ўттиз кунлик муддатда етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, жавобгарликдан озод этилади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган қилмишлар жанговар вазиятда содир этилган бўлса,

— уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

296-модда. Ҳарбий мулкни nobуд қилиш ёки унга шикаст етказиш

Қурол, ўқ-дори, ҳаракат қилиш воситалари, ҳарбий техника ёки бошқа ҳарбий мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга шикаст етказиш —

икки йилгача хизмат бўйича чеклаш ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш оғир оқибатларга сабаб бўлса, —

беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган ҳарбий хизматчи, агар у жиноят натижасида етказилган зарар ўрнини уч карра миқдорда қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар бўйича рағбатлантирувчи нормаларни жорий этиш масаласи жиноят-ҳуқуқий сиёсатни инсонпарварлик, адолат ва самарадорлик тамойиллари асосида такомиллаштириш, давлат мудофаа манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онгини ошириш нуқтаи назаридан ўта долзарбдир. Президентимиз илгари сураётган “инсон қадри учун” тамойили жиноят қонунчилигининг барча соҳаларида, жумладан ҳарбий жиноятлар соҳасида ҳам ўз ифодасини топиши лозим. Мазкур мақолада таклиф этилаётган ўзгартишлар айнан шу стратегик мақсадларга хизмат қилади ва жиноятчиликка қарши курашишда жазо билан бирга рағбатлантириш механизмларини уйғунлаштиришга қаратилган илмий-амалий қадам сифатида баҳоланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES):

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси [Матн] : 2023 йил 30 апрель. — Тошкент : Ўзбекистон, 2023. — 80 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси [Матн] : 1994 йил 22 сентябрь (ўзгартиш ва қўшимчалар билан). — Тошкент : Адолат, 2024. — 420 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси [Матн] : 1994 йил 22 сентябрь (ўзгартиш ва қўшимчалар билан). — Тошкент : Адолат, 2024. — 520 б.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуни [Матн] : 2001 йил 11 май. — Тошкент : Ўзбекистон, 2023. — 32 б.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонуни [Матн] : 2012 йил 12 декабрь. — Тошкент : Адолат, 2023. — 45 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш — юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови [Матн]. — Тошкент : Ўзбекистон, 2017. — 48 б.
7. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси [Матн]. — Тошкент : Ўзбекистон, 2022. — 464 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сон қарори [Матн] : 2000 йил 15 сентябрь. — Тошкент, 2000.
9. Ўзбекистон Республикаси ИИБ, Бош прокуратура, ДХХ, ДБК, Миллий гвардия ва Олий суднинг “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот тизимини юритиш тартиби тўғрисида”ги қўшма қарори [Матн] : 2021 йил 15 ноябрь. — Тошкент, 2021.
10. Уголовное право. Общая часть : учебник / под ред. Л.В. Иногамовой-Хегай. — М. : Норма, 2021. — 496 с.
11. Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть [Текст]. — М. : Проспект, 2020. — 784 с.

12. Рарог А.И. Уголовное право России. Общая часть [Текст]. — М. : Юрайт, 2022. — 560 с.
13. Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений [Текст]. — М. : Норма, 2019. — 352 с.
14. Бойцов А.И. Поощрительные нормы в уголовном праве [Текст]. — СПб. : Юридический центр Пресс, 2018. — 240 с.
15. Уголовное право Республики Казахстан. Общая часть : учебник / под ред. И.И. Рогова. — Алматы : Жеті Жарғы, 2021. — 520 с.
16. Уголовный кодекс Российской Федерации [Текст] : по состоянию на 2024 г. — М. : Проспект, 2024. — 400 с.
17. Уголовный кодекс Республики Казахстан [Текст] : по состоянию на 2024 г. — Астана : Норматив, 2024. — 380 с.
18. Военное право : учебник / под ред. В.Г. Стрекозова. — М. : Норма, 2020. — 416 с.
19. Международное гуманитарное право : учебник / под ред. И.И. Котлярова. — М. : Юрайт, 2021. — 368 с.
20. United Nations. Rome Statute of the International Criminal Court [Text] : 17 July 1998. — The Hague : ICC, 2011. — 218 p.
21. Ashworth A. Principles of Criminal Law [Text]. — 9th ed. — Oxford : Oxford University Press, 2022. — 618 p.
22. Fletcher G.P. Rethinking Criminal Law [Text]. — Oxford : Oxford University Press, 2000. — 920 p.